

Жума намозини тарк этишга одатланиш



17:40 / 27.12.2018 4570

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Эй мўминлар, қачон жума кундаги намозга чорланса (яъни, азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига (яъни, жума намозини адо қилиш учун) шошиб боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар! Агар биладиган бўлсангизлар мана шу (яъни, Аллоҳнинг зикрига - жума намозини ўқишга шошилиш) ўзларингиз учун яхшироқдир» (Жума сураси, 9-оят).

Ҳафса (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Жумага бориш ҳар бир балоғатга етган кишига вожибдир» (Насоий ривояти).**

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жумага бормайдиган кимсага қарата: «Бир кишига одамларга намоз ўқиб беришни буюриб, кейин жумага келмайдиган кишиларнинг уйларини ёқиб юборишни хоҳлардим», дедилар» (Муслим ривояти).**

Абу Ҳурайра ва Ибн Умар розияллоҳу анҳулардан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ё одамлар жумани тарк этишдан тўхтайдилар ёки Аллоҳ уларнинг қалбини муҳрлаб қўяди. Сўнг улар ғофиллардан бўлиб қолурлар» (Муслим ривояти).**

Абу Жаъд Замрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кимки бепарволик билан учта жумани тарк этса, Аллоҳ унинг қалбини муҳраб қўяди»** (Термизий, Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтганларки: «Кимда-ким учта жумани тарк этса, Исломни орқасига улоқтирган бўлади» (Абу Яъло ривояти).

Аллоҳдан Ўзи суйган ва рози бўлган нарсаларга муваффақ қилишини сўраймиз. Албатта, У сахий, марҳаматли зотдир.

«Гуноҳи кабиралар» китобидан